

<p><i>Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XALQARO HISOB»</i>  <i>Аудиторлик ташкилоти</i>  <i>Манзил: Тошкент ш А.Каххор кўчаси 4-уй</i>  <i>Тел: +99893 493-31-41</i>  <i>E-mail: sanjarbek.88@inbox.ru</i></p>		<p><i>Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi «XALQARO HISOB»</i>  <i>Auditorlik tashkiloti</i>  <i>Manzil: Toshkent shahri A.Qahhor k 4-uy</i>  <i>Tel: +99893 493-31-41</i>  <i>E-mail: sanjarbek.88@inbox.ru</i></p>
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

*Банк: Асака банк Наманган филиали., МФО 00231, Х/р. 20208000805474243001 СТИР: 309154370,*

## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«O'ZELEKTROTERM» акциядорлик жамияти бошқаруви органларига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

<b>Тулик номи:</b>	«O'ZELEKTROTERM» акциядорлик жамияти
<b>Юридик манзили:</b>	Наманган шаҳар, янги Наманган тумани, Беруний МФЙ, 8-март кўчаси, 3-уй
<b>Хисоб рақами:</b>	20210000600306579001 "Узсаноатқурилишбанки" АТБ бош офиси
<b>МФО:</b>	00440
<b>КТУТ:</b>	214008
<b>СТИР:</b>	200049218
<b>Тел:</b>	+99890-596-11-01
<b>Асос:</b>	15.05.2023 йил 23-сонли шартнома

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XALQARO XISOB» аудиторлик ташкилоти аудитори (аудитор малака сертификати №05902 27.02.2022 йил) Қирғизбаев Санжар Неъматиллаевич «O'ZELEKTROTERM» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботидан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларнинг қисқача таснифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади

## Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлокий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб берадиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб тамойилларини бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-тамомойиллар аудиторнинг мулоҳазасига шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-тамомойилларни ишлаб чиқиш мақсадида тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим етиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилиги баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишни баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришга асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

### Фикр


Бизнинг фикримизча «O'ZELEKTROTERM» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари унинг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

### Хулоса ёзилган сана

30.05.2023 йил

МЧЖШ « XALQARO HISOB »

Аудитори:



С.Қирғизбаев